ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Рахимов Минҳожиддин
И.Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети таянч (ПҳД) доктаранти
https://doi.org/10.5281/zenodo.13304413

Аннотация: Ихтисослашган мактабларда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш таълим олувчиларнинг ижодий фаолиятини бошқарув менежменти, дидактика, шунингдек, методика фанлари интеграцияси асосидаги янги, замонавий йўналишга йўналтиради. Бу фаолият ўқувчиларнинг иқтидори ва креатив фаолиятини тадқиқ қилиш, анъанавий мавзуларни ўрганишга нисбатан бирмунча мураккаб кечади. Мазкур бошқарув ўқувчиларнинг қобилиятларини шакллантириш технологиясидан асл ривожлантирш моҳиятига ўтиш бўлиб, унда янги тажриба хусусиятлари, ишлатилган ва тадбиқ этилган технология, усул, восита, риоя қилинган тамойиллар ва мезонлар асосида таълимни янги босқичга кўтаради ва тизимли бошқариш имконини беради.

Калит сўзлар: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), ижодкорлик, билим, кўникма, малака, компетенция, маълумот, шакллантириш, ривожлантириш.

Мамлакат мактабларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш илмий-педагогик муаммо сифатида таълим олувчиларнинг ижодий фаолиятини бошқарув менежменти, дидактика, шунингдек, методика фанлари интеграцияси асосидаги янги, замонавий йўналиш бўлиб, ўқувчиларнинг иқтидори ва креатив фаолиятини шакллантиришни тадқиқ қилиш анъанавий мавзуларни ўрганишга нисбатан бирмунча мураккаб кечади. Агар эътибор берилса, анъанавий мактабларда ва мавзуларда илмий тадқиқот ўтказиш йўллари, воситалари, илмий жамоатчилик тан олган принциплар маълум даражада аниқланган, сайқалланган бўлса, ихтисослашган ва ижод мактабдарида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқаришда қўлланиладиган тадқиқот усуллари ва воситалари тадқиқот объекти сифатида етарли ўрганилмаган, уларни аниқлаш, жорий қилиш тамойиллари тўлиқ таҳлил қилинмаган. Бундай мактабларда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш илмий-педагогик муаммоси ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини долзарблик муаммосида – билимларни, эмпирик қарашларни “таълим”, “ижодий фаолият”, “бошқарув”, “иқтидор” каби категориялар воситасида баён қилиш “моҳиятдан воқеликка”, “воқеликдан моҳиятга” ўтишни тақозо қилади. Бу борада моҳиятдан воқеликка ўтиш – бу қобилиятли ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш бўйича мавжуд билимлар, фаолиятда ишлатиладиган тажрибалардан янги билимларга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини янада ривожлантиришнинг такомиллашган тажрибасига қараб боришни англатади. Мазкур кўрсатмадан – биз таклиф қилаётган ихтисослашган ва ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш таълимида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш технологиясидан моҳиятга ўтиш бўлиб, унда янги тажриба хусусиятлари, ишлатилган ва тадбиқ этилган технология, усул, восита, риоя қилинган тамойиллар ва принциплар асосида таълимни янги босқичга кўтаради ва тизимли бошқариш имконини беради.

Тадқиқотлар ва олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, бизнингча, ижодкорлик, ижодий фаолият – ўқувчиларни фаоллаштирувчи бўлиб қолмасдан, ана шундай ижодкор, иқтидорли ўқувчилар таълим олаётган билим масканларини ҳам янги, тамомила оригинал ва амалда маълум бир қимматга эга бўлган бошқарув имкониятлари кенг менежер раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва бажариладиган ўқув жараёнига эҳтиёж сезади.

Ихтисослашган мактабларда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш таълимда уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш муаммоси тўғрисидаги тасаввурларни умумлаштириш орқали юзага чиқади. Бунда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти, ўзлаштиришнинг таркиби, бошқариш технологиялари, педагогик амалиётдаги ўрни, уни ҳал этиш каби қатор муаммоли, муҳим саволлар мазкур мавзунинг ўрганилишига илмий асос вазифасини ўтайди.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш муаммоси ташкилий тизим бўлиб, ўзига хос қатор сифатларга эга: энг аввало, ихтисослашган, ижод мактаблари таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини тизимли бошқариш, дидактика ва хусусий методика фанлари соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар билан узвий боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириб бориш ва таълим муассасасини бошқариш ташкилий тизим сифатида тадқиқотчининг метин иродаси, назарий ва амалий маҳорати, соҳа бўйича эгаллаган билимлари, фаолиятда орттирган тажрибасига боғлиқ.

Ихтисослашган ва ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини, қобилиятини доимий ривожлантириш учун ўқув материалларини ўрганиш тизими, ҳар бир фанга, мавзуга оид ўқув элементлари ажратилади, ўқувчиларнинг ўз ёшига

мутаносиб ҳолда реал билиш имкониятлари ўрганилади. Шу асосда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини, қобилиятини янада ривожлантириш хусусиятлари аниқланиб, таълим муассасаси имкониятлари, бошқариш механизмлари уларни яратишда, фаолиятини ташкил этишда, бошқаришни, назорат қилиш меъёрлари, технологиялари, усуллари, воситалари, тамойиллари ишлаб чиқилади.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бошқариш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда педагогик жараённи акс эттирувчи умумий келажак стратегияси ҳисобланади. Мазкур жараён босқичма-босқич, тизимли ва мақсадли амалга оширилади. Юртимизда бундай ижодкор, ихтидорли болаларни ўқитишга ва тарбиялашга йўналтирилган мактабларда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараённи самарали ҳал этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ихтисослашган ва ижод мактабларни бошқаришда ва ижодкор ўқувчиларни тарбиялашда педагогик мақсад, педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа кутилган натижа сифатида қабул қилинади. Ўқитиш жараёнида педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли бошқарув технологиялари ва вазифаларининг моҳияти билан белгиланади. Тизимни амалга ошириш жараёни бир йўла ёки биринкетин англанишига, қабул қилинишига боғлиқ.

Маълумки, педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифалар қуйидагилардир: (1-расм) Бунда ихтисослашган ва ижод мактабларини бошқариш тизимига алоҳида урғу берилади. Айниқса, ўқувчиларнинг дарслардаги фаоллиги, янги мавзуни ўзлаштиришига ажратиладиган вақт, мавзуни тушуниш, мустақил англашларига кўмаклашиш, қайта алоқага чиқиш, муносабат билдириш кабилар муҳим саналади. Асосий бошқарув ўқитувчи ва айрим ҳолатларда ўқувчи фаолиятида акс этади.



1-расм. Ихтисослашган мактабларни бошқаришда педагогик мақсад ва уни ташкил этишга тайёрланиш босқичидаги педагогик вазифа.

Агар ихтисослашган ва ижод мактабларида педагогик вазият ва бошқарув жараёни етарли даражада тўғри англанмаса, у ҳолда педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Мазкур таълим муассасасида касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи педагогик вазиятни тўғри англаши, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлсагина, фаолият тизимли ривожланади. Ижодкор ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ҳар доим ҳам ўқитувчи ҳақ бўлавермайди. Баъзан улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади. Аммо айрим ҳолатларда тажрибали педагоглар ҳам педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада, педагогик фаолиятда номутаносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педагогик мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш-олмаслигини ўйлаб ўтирмай, ўқувчиларни фаоллаштиради, кўргазмали қуроллардан фойдаланади ёки турли креатив йўллар орқали билимларни назорат қилади. Педагогика фанининг асосий категориялари. Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари,

қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди.

Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча - категория деб аталади.

Соҳага оид муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги юзасидан дарсда ва бошқарувда қўйидагиларга:

илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;

вазифаларнинг тадқиқот мақсади ҳамда бошқарув механизми асосида тўғри белгиланганлиги;

тадқиқот методлари ва бошқарув тизимига нисбатан объектив ёндашув;

тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;

тадқиқот натижаларини олдиндан ташхислаш ва унинг натижаларини айтиб ўтиш;

тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги.

Ушбу бошқарув жараёнида педагог фаолиятининг яна бир номутаносиблик томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларини иккинчи даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва фақат айрим жиҳатларигагина диққатларини қаратадилар бундай фаолият тури эса амалиётда ўзини оқламайди.

Таълим жараёнида айниқса, бошқарув педагогикасининг асосий категориялари, фаннинг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг тизимли ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, эътироф этилишини кафолатлайди.

Биламизки, бошқарув ёхуд ҳар қандай фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади.

Педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таъминлаш экан, унинг ижодий қобилиятини шакллантириш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга қаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), ижодкорлик, билим, кўникма, малака, компетенция, маълумот, шакллантириш, ривожлантириш. Ушбу категориялар ўқувчи шахсини ижодий ривожланишида муҳим бўлганлиги сабабли уларга тўхталиб ўтамиз.

Энг муҳим категорияларга шарҳ бериб, ижодкор ўқувчи фаолияти учун муҳим бўлган қуйидагиларга эътибор қаратдик:

Шахс - руҳий жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган, ижтимоий субъект, жамият аъзоси.

Тарбия - муайян, аниқ ва реал мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама шакллантириш, ўстириш, унинг онги, хулқ- атвори ва дунё- қарашини таркиб топтириш жараёни.

Таълим - ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, фаолият компетентликни таркиб топтириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган босқичли жараён.

Ижодкорлик – бирор бир воқеликка мавжуд билим ва ҳис –туйғулар орқали креатив ёндашув.

Билим - шахснинг тафаккур ва онгида тушунчалар, умумлашмалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Кўникма - шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш лаёқати.

Малака - муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Компетенция - эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёқати, қобилияти.

Маълумот - таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи.

Шакллантириш - шахсда барқарор хусусият ва сифатларни белгиланган талаб ва меъёрлар асосида таркиб топтириш жараёни.

Ривожланиш - шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Юқорида берилган категориялар ҳар бир фаннинг ривожланиш босқичида бошқа-бошқа ёндош фанлар билан алоқага киришади ва фаннинг мазмун-моҳиятини изоҳлайди.

Маълумки, ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этади. Шу ўринда ихтисослашган ва ижод мактабларини бошқаришда ва ижодкор ўқувчиларни тарбиялашда педагогик бошқарув ҳодисаси мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқтаи назардан бошқарув педагогикаси билан қуйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд, улар:

Фалсафа - шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, вақт, замон, макон, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

Этика - шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, қадриятлар, ахлоқий онг ва маънавий - маърифий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни

педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

Эстетика - шахс томонидан гўзалликнинг идрок этилиши, уни яратишга интилиши, шунингдек, эстетик дидни камол топтириш ва тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

Иқтисод - таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини қуриш, таълим-тарбия жараёнларини замонавий ташкил этиш ва уларни моддий-техника ва нана технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

Социология - ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

Физиология - ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анотомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни ўрганишга ёрдам беради.

Гигиена - ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларни жинсий жиҳатдан тўғри шакллантиришга назарий ва амалий ғояларни тақдим этади.

Психология - шахсда маънавий-ахлоқий, руҳий-интеллектуал, ҳиссий- иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

Тарих - педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, тарихий тажрибани ёш авлодга ўргатиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Маданиятшунослик - ўқувчиларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос ҳамда маърифий асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

Тиббий фанлар - шахснинг физиологик-анатомик жиҳатидан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

Педагогика фанлари тизими - шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш даврлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини далиллайди. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

Умумий педагогика - педагогиканинг контцептуал масалалари ва амалий жиҳатларини тадқиқ этади.

Педагогика назарияси - педагогиканинг умумназарий масалалари, қонуниятлари ва тамойиллари ҳамда таснифлашга оид масалаларни ўрганади.

Педагогика тарихи - педагогик фикрларнинг тараққий этиши, мактаб ва таълим турларининг даврий хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари ва аҳамиятини тадқиқ этади.

Педагогик маҳорат - ўқитувчиларни педагогик фаолиятга самарали тайёрлаш тактикаси, педагогик қобилиятларни шакллантириш, педагогик маданият ва техникани таркиб топтириш ҳамда нутқ техникасини эгаллаш йўлларини ўрганади.

Мактабгача таълим педагогикаси - мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Бошланғич таълим педагогикаси - бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга этказиш масалаларини ўрганади.

Коррекцион (махсус) педагогика - жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Методика - хусусий фанларни ўқитиш мазмуни, қонуниятлари, ташкилий шарт-шароитларини тадқиқ этади.

Педагогик технология - таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Таълим менежменти - таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

Ижтимоий педагогика - шахс ижтимоийлашуви, ижтимоий меъёрдан оғишишнинг педагогик диагностикаси, коррекцияси ва реабилитацияси ҳамда ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш масалаларини тадқиқ этади.

Оила педагогикаси - оилавий таълим-тарбия, оилада болаларни юксак маънавий-ахлоқий сифатлар асосида тарбиялаш, ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш масалаларини ўрганади.

Халқ педагогикаси - халқ оғзаки ижоди, урф-одатлар, маросимлар, миллий ва болалар ўйинлари, ўйинчоқлари кабиларда сақланиб қолган педагогик маълумотлар ва миллий тарбияга доир тажрибалар мажмуидир.

Қиёсий педагогика - қиёсий аспектда турли давлат, ҳудуд, умуман дунё миқёсида, турли тарихий даврларда педагогика назарияси ва амалиётининг мавжуд ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини ўрганадиган педагогик фан соҳаси.

Педагогик инноватика - педагогик инновацияларнинг юзага келиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганадиган, шунингдек педагогик анъаналар билан истиқболдаги таълим лойиҳаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган фан.

Педагогик аксиология- таълим олувчи ва таълимни қадрият деб эътироф этган ҳолда, таълимий қадриятларни ўрганиш ҳамда таълим-тарбияга аксиологик ёндашувни қарор топтиришга хизмат қилувчи педагогик билимлар соҳасидир.

Нейропедагогика - бу бош мия (ўнг ва чап мия ярим шарлари) фаолияти ва тузилишидаги функционал тафовутлар тўғрисидаги билимлар ҳамда мазкур билимларни таълим-тарбия жараёнида қўллай олиш ҳақидаги амалий фан соҳаси.

Музей педагогикаси - педагогика, психология ва музейшуносликнинг ўзаро уйғунлиги натижасида шаклланган фан соҳаси бўлиб, музей муҳитида таълим-тарбия бериш йўлларини тадқиқ этади. Музейдаги мазкур маърифий йўналиш билан шуғулланадиган ходим музей педагоги деб аталади.

Педагогик антропология - фалсафий, ижтимоий, психологик антропология қонуниятларига асосланган ҳолда таълим олувчи учун қулай ва индивидуал шарт-шароитларни яратиш ҳамда таълимнинг антропологик модели ва технологиясини ўрганувчи фан соҳаси.

Педагогик акмеология - барча ёш даврлари психологияси билан боғлиқликда жадал ривожланаётган шахснинг етук ривожланиш чўққиси - «акме шахс» даражасига етказиш қонуниятлари, техника ва технологиясини тадқиқ этади.

Педагогиканинг методологияси. Педагогика фани ривожи муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ғояси, мазмуни ҳамда натижалари ҳисобига таъминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт- шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зиён етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо қилади. Тарбия жараёнларининг моҳиятини англаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткчлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Педагогик изланишларнинг самарали кечиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнда мақсадга мувофиқ келувчи, мақбул, айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳимдир.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ҳақиқий моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усулларидир.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида педагогик йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар диалектик ёндашувга асосланади. Педагогик ҳодиса, воқелик ва уларнинг қонуниятларини аниқлашга, бундай ёндашувли педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий алоқаси, уларнинг изчил, узлуксиз ривожланиши, боланинг ёши, унинг физиологик ривожланиши унинг психологик, интеллектуал жиҳатдан такомилаштириб боришини таъминлаши, қарама-қаршиликларнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, диалектика категорияларининг аҳамиятини эътироф этади.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;

илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;

вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;

тадқиқот методлар тизимига нисбатан объектив ёндашув;

тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;

тадқиқот натижаларини олдиндан ташхислаш ва унинг натижаларини тадбиқ қилиш;

тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги ва жорийланганлиги.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарори, 2019 йил 16 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Президент мактабларини очиш” тўғрисида”ги ПҚ-4199-сон қарори 2019 йил 29 феврал.
3. Косарев Р.А. Управление качеством обучения как педагогическая проблема // Материалы VII Международной студенческой научной конференции “Студенческий научный форум” 2015.
4. Котова Т. А. Условия повышения качества обучения в школе // Молодой ученый. - 2017. № 15.2. - С. 95-97.
5. Кривых С.В. Кластерный подход в прфессиональном образовании / С.В.Кривых // академия профессионального образования. -2014. - № 3-4. - С. 7-13.
6. Мусурманова А., Педагогик технологиялар-таълим самарадорлиги омили: монография., Т: “Ёшлар нашриёт уйи”. 2020. -184 б.

7. Мусурманова О., Арипова М., Таълимнинг шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялари. –Т: “Наврўз” нашриёти, 2019.-89 б.
8. Мухамедов Ғ.И, Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.;.